11. Khamidov, M.Kh., Isabaev, K.T., Urazbaev, I.K., Islomov, U.P. Inamov, A.N. Hydromodule of irrigated land of the southern districts of the republic of Karakalpakstan using the geographical information system creation of regional maps. European Journal of Molecular and Clinical Medicine. Volume 7, Issue 2, September 2020, Pages 1649-1657

12. Urazbaev, I., Kasimbetova, S., Mamataliev, A., Akhmedjanova, G., Ergasheva, D. Hydromodule zoning southern karakalpakstan and optimal cotton irrigation regime. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 2021, 25(3), стр. 5055–5061
13. Urazbaev, I., Kasimbetova, S., Akhmedjanova, G., Munisa, P., Mardiev, S. Fundamentals of effective use of water resources of irrigated lands in South Karakalpakstan. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 2021, 25(3), стр. 5037–5044

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

УДК:636.2:635.6:636.5

Исматуллаев Зокиржон Юсупович


қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Пахта селекцияси, уруғчилигини

етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти

ШАМОЛ ЭРОЗИЯСИГА МОЙИЛ ХУДУДЛАРДА ЧИГИТНИ ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

For citation: Zokirjon Ismatullaev. Determination of seeding dates on areas favorable for wind erosion. Journal of Agro processing. 2021, vol. 3, Issue 2, pp.37-44

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2021-2-7>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада чигит шамол эрозияси ва бошқа табиий офатлар сабабли Наманган-77, Султон, С-8290 ва С-8286 навлари чигити 19 майда экилса, N₁₅₀ P₁₀₅ K₇₅ меъёрда маъданли ўғитлар қўлланилиб, ЧДНС га нисбатан 60-70-60 % да суғорилиганда С-8286 ғўза навидан 28,0 ц/га пахта ҳосили олишиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: экиш муддатлари, ғўза навлари, тупроқ ҳажм массаси, сув ўтказувчанлик, чекланган дала нам сифими, суғориш олди тупроқ намлиги, амал суви, мавсумий суғориш меъёрлари, ўсиш-ривожланиши фенологик кузатувлар, ҳосилдорлик.

Исматуллаев Зокиржон Юсупович

кандидат сельскохозяйственных наук

НИИ селекции хлопчатника

агротехнологии семеноводства

ОПРЕДЕЛЕНИЕ СРОКОВ ПОСЕВА НА ТЕРРИТОРИЯХ, БАГОПРИЯТНЫХ ДЛЯ ВЕТРОВОЙ ЭРОЗИИ

АННОТАЦИИ

В данной статье приведена сорта хлопчатника Наманган-77, Султон, С-8290 и С-8286 были посеяны 19 мая из-за ветровой эрозии и других стихийных бедствий. Данные по урожайности хлопка 28,0 ц/га от сорта хлопчатника.

Ключевое слова: сроки посева, сорта хлопчатника, объемная масса почвы, водопроницаемость, предельная влагоемкость, влажность почвы, срок полива, поливная норма, фенологические наблюдения за рост развитие и урожайность хлопчатника.

Ismatullaev Zokirzhon

candidate of agricultural sciences

Research Institute of Cotton Breeding

DETERMINATION OF SEEDING DATES ON AREAS FAVORABLE FOR WIND EROSION

ANNOTATION

This article lists the cotton varieties Namangan-77, Sulton, C-8290 and C-8286 were sown on may 19 due to wind erosion and other natural disasters. Data on the yield of cotton 28 s/ga from the variety of cotton.

Key words: sowing time, cotton varieties, bulk soil mass, water permeability, maximum moisture capacity, soil moisture, irrigation period, irrigation rate, phonological observation of the growth, development and yield of cotton

Кириш: Ўзбекистон ғўза парваришида, пахта етиштирадиган мамлакатлар орасида энг шимолий худуд ҳисобланади. Республикада континентал об-ҳаво ҳукумрон бўлганлиги учун чигит экиш ва униб чиқиш пайтида совуқ ҳаво вужудга келиши, кучли ёмғир ёғиб қатқалок ҳосил бўлиши, тезлиги кучли шамоллар пайтида чигитни тупроғи билан учириб кетиши, ғўза ҳали ёш бўлганда унинг ўсув нуктасига, баргига кучли зарар етказиши мумкин. Ҳар йили бу табиий офатлар натижасида 100 минглаб гектар майдонда чигит қайтадан ёки қисман қайта экилмоқда. 2018 йил

Фарғона вилоятида 1006 гектар майдонда чигитлар қайта экилган. Жумладан Бувайда туманида 288 га, Учкўприк туманида 133 га, Фарғона туманида 93 га, Ёзёвон туманида 135 га, Бешариқ туманида эса 175 га майдонда чигит турли сабаблар билан қайта экилган. (Ушбу маълумотлар Фарғона вилояти қишлоқ хўжалик бошқармасидан олинган). Бешариқ туманидаги биргина Жамшидбек фермер хўжалигининг ўзида 2018 йил 25 гектарда экилган чигит кучли шамол эрозияси сабаб қайтадан экилди. Бундан ташқари шу тумanning Собиртепа ММТП худудидаги бир нечта фермер хўжаликлари 2018 йил апрел ойида бўлган кучли шамол натижасида 150 гектарда чигит қайтадан экилди. Бундай ҳолатлар 2020 йилда Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ҳам кузатилди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иш юритишнинг фермерлик ҳаракатига тўлиқ ўтилиши ва фермер хўжаликларига ҳукуматимиз томонидан яратилган барча шарт-шароит ва имтиёзлар ҳамда ҳар бир тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган тезпишар ғўза навларини яратилиши, шунингдек далаларда барча агротадбирларни ўз вақтида ўтказиш натижасида ҳар йили пахта хом ашёси октябрь ойидаёқ йиғиб-тегиб олинмоқда, лекин баъзи бир йиллари турли табиий офатлар натижасида, кўплаб ерларда чигит қайтадан ёки қисман қайта экилиши кузатилмоқда. Бу ҳолатларда ғўза ҳосили кеч пишиши, ҳосили ва унинг сифатига жиддий зарар етиши кузатилди. Шунинг учун чигит қайта экиладиган ерларда ғўзадан мўлжалдаги ҳосилни етиштириш учун ўсув даври қисқа, тезпишар ғўза навларини экиб, уларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этади. Айниқса бу йилгидек баҳорнинг салқин келиши натижасида ғўзанинг ривож кечикишига сабаб бўлганлиги фикримизнинг тасдиғи ҳисобланади, [1, 2, 3].

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республиканинг тупроқ ва иқлим шароитларини эътиборга олган ҳолда янги яратилган ғўза навларини ҳар бир тупроқ-иқлим шароитида синаб кўриш, ундан мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш бўйича жуда кўплаб олимлар, жумладан, Қ.Мирзажонов, Н.Беспалов, А.Авлиёқулов, Ш.Нурматов, М.Ҳамидов, Ф.Бараев, Г.Безбородов, Г.Юлдашев, Л.Слесарева, Р.Назаров, А.Исашов, А.Шамсиев, С.Исаев, С.Зокирова ва бошқа олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Лекин, Республиканинг Фарғона водийсида ўрта толали тезпишар ғўза навларини қайта ёки қисман қайта экиш муддатларини аниқлаш, маъдан ўғитларни қўллаш меъёрларини белгилаш, мақбул суғориш орқали юқори ва сифатли пахта ҳосилини етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади. Республикамизнинг Фарғона водийсида ўрта толали тезпишар ғўза навларини қайта ёки қисман қайта экиш муддатларини аниқлаш, маъдан ўғитларни қўллаш меъёрларини белгилаш, мақбул суғориш орқали юқори ва сифатли пахта ҳосилини етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилоятининг ўтлоқи–соз тупроклари, Наманган-77, Султон, С-8286, С-8290 ғўза навлари, экиш муддатлари, 15 апрел, 5 май ва 15 май муддатлар, сув-озика меъёрлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Фарғона вилоятининг ўтлоқи–соз тупроклари, Наманган-77, Султон, С-8286, С-8290 ғўза навларини экиш муддатлари 15 апрел, 5 май ва 15 май муддатлар, сув-озика меъёрларини унинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, тола сифат кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий самарадорликлари бўлиб ҳисобланади

Тадқиқотнинг услублари. Дала ва лаборатория тадқиқотлари Пахта селекцияси, уруғчилигини етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида қабул қилинган “Методы проведения опытов с хлопчатником” [4], агрохимёвий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрохимических анализов почв и растений” [5], тупроқнинг агрофизикавий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрофизических исследований” [6], “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” [7], қўлланмалари асосида олиб борилган. Агрохимёвий таҳлилларни олиб боришда тажриба даласида конверт шаклида 1–1,5 метргача тупроқ кесмалари (разрез) қазилиб, генетик қатламлардан тупроқ намуналари олинганлиги ва тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.Ф.Гриценко, И.М.Мальцева ўзгартириши билан, нитрат азоти миқдори Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин усулида аниқланганлиги, тупроқнинг ҳажм массаси (С.Н.Рижов) цилиндр усулида, структураси И.В.Саввинов усулида аниқланган, [8, 9, 10, 11, 12].

Олинган илмий тадқиқот натижалари: Ушбу илмий тадқиқотлар 2017–2019 йилларда Фарғона вилоятининг ўтлоқи–соз тупроқларининг механик таркиби унинг ҳамма физик, физик-механик, ҳажм масса, ғоваклик, сув ўтказиш қобилияти, шунингдек ёпишқоқлик, трактор плуги (омоч)га қаршилигини ошириши ёки камайтириш ҳосасини белгилайди. Тупроқнинг механик таркиби, сочма қум, ёпишқоқ қум, енгил, ўрта ва оғир қумларга, энг охириги оғир қумоқ ҳолатда бўлади. Агрономик жиҳатдан энг қулайи ўрта қумоқ ҳисобланади, (1-жадвал).

1-жадвал. Тажриба ўтказилган дала тупроқларининг механик таркиби, %

Тупроқ қатлами, см	1-0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001	<0,1
0-30	19,958	1,234	41,514	17,92	5,926	9,948	7,424	23,316
30-50	22,064	0,298	34,528	23,904	5,596	11,068	7,712	24,376
50-70	21,614	0,274	41,168	26,332	8,82	12,748	9,044	30,612
70-100	12,636	0,152	35,004	21,172	10,244	12,292	8,38	30,916

Тупроқнинг ҳажм массаси унинг юмшоқлигини белгилайди. Ҳажм масса тупроқнинг механик таркибига, ундаги гумус миқдори, макро ва микроструктура, арзик, шўх горизонтлари, гипсли, карбонатли қатламларга нисбатан ўзгариб туради. Механик таркиби ўрта қумоқ, сувга чидамли макро ва микроструктура, гумус кўп бўлса, ҳажм масса яхшиланади. Механик таркибининг оғирлашиши, шўх, арзик, гипсли корбанатли горизонтларнинг ҳажм массаси ёмон ҳолатда бўлади. Ўсимликнинг оптимал ўсиши учун тупроқнинг ҳажм массаси 1,1-1,2 г/см³, механик таркиби енгил тупроқларда 1,3 г/см³ мумкин, (2-жадвал).

2-жадвал. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги

Тупроқ қатлам и, см	Амал даври бошида г/см ³	Амал даври охирида					
		1-экиш муддати		2-экиш муддати		3-экиш муддати	
		60-70-60	70-80-70	60-70-60	70-80-70	60-70-60	70-80-70
0-30	1,18	1,25	1,25	1,24	1,24	1,24	1,24
0-50	1,28	1,31	1,33	1,28	1,28	1,31	1,31
0-70	1,33	1,32	1,34	1,31	1,30	1,35	1,35
0-100	1,34	1,32	1,34	1,30	1,30	1,34	1,34

Биринчи ва кейинги экиш муддатларда тупроқнинг ҳайдов қатлами ҳажм массаси жихатидан мақбул ҳисобланиб, пастки қатламларда керагидан ортиқча ортиб борган. Тупроқ ҳажм массаси ортиши билан тупроқнинг ғоваклиги ҳам камайиб борган. Энг мақбул ғоваклик тупроқнинг ҳайдов қатламида намоён бўлди.

Чигитни униб чиқиш даражаси баён этилган. Ғўзанинг Наманган-77 навида 19 апрелда экилганда 88-91% ниҳол униб чиқиши учун 15 кун талаб этилган бўлса, 6-майда экилганда 84-88% униб чиқиши учун 10 кун, 19 майда экилганда 85-93% униб чиқиши учун 8 кун етарли бўлди. Султон, С-8290 ва С-8286 навларининг чигитларини униб чиқиши ҳам экиш муддатларига мос ҳолда Наманган-77 навида яқин кўрсаткич намоён этди. Умуман олганда, яганани ҳисобга оладиган бўлсак чигитни униб чиқиши қоникарли даражада бўлган, (3-жадвал).

Ғўзанинг ривожланиш давларига кўра, суғориш муддатларини тўғри белгилаш ва ўз вақтида суғориш, ундан юқори ҳосил олиш гаровидир. Ғўза гуллаш давригача қанча эрта суғорилса, бўйи ўсиб, ён томонга шох ташлаб кетади. Ҳосил тугунчалари тупларининг юқори бўғинлари-шоҳларида пайдо бўлади. Бу кўсакнинг пишиб етилишини секинлаштириб, ҳосил йиғим- терими кечикишига сабаб бўлиши аниқланган. Ғўза гуллаш давригача тўғри суғорилиши унинг маромида ўсиши ва гуллаши, илдиз тизимининг яхши ривожланиб, юқори ҳосил тўплашига олиб келади.

3-жадвал. Турли муддатларда экилган чигитларини униб чиқиши,%

Вар.	Ғўза навлари	Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан %	1-экиш муддати 19.04.18й		2-экиш муддати 06.05.18й		3-экиш муддати 19.05.18й	
			униб чиқиши	униб чиқиш даражаси, %	униб чиқиши	униб чиқиши, даражаси, %	униб чиқиш	униб чиқиши, даражаси, %
1	Наманган-77	60-70-60	3.05	88	16.05	85	27.05	85
2			3.05	90	16.05	87	27.05	92
3			3.05	91	16.05	88	27.05	93
4		70-80-70	3.05	90	16.05	84	27.05	85
5			3.05	91	16.05	84	27.05	86
6			3.05	91	16.05	86	27.05	88
7	Султон	60-70-60	3.05	84	16.05	81	27.05	85
8			3.05	85	16.05	82	27.05	86
9			3.05	87	16.05	81	27.05	82
10		70-80-70	3.05	91	16.05	90	27.05	83
11			3.05	95	16.05	91	27.05	89
12			3.05	89	16.05	95	27.05	90

13	С-8286	60-70-60	3.05	86	16.05	81	27.05	85
14			3.05	88	16.05	82	27.05	88
15			3.05	89	16.05	84	27.05	84
16		70-80-70	3.05	82	16.05	81	27.05	92
17			3.05	85	16.05	85	27.05	85
18			3.05	84	16.05	86	27.05	88
19	С-8290	60-70-60	3.05	91	16.05	86	27.05	87
20			3.05	92	16.05	92	27.05	89
21			3.05	95	16.05	93	27.05	93
22		70-80-70	3.05	88	16.05	89	27.05	91
23			3.05	88	16.05	88	27.05	89
24			3.05	86	16.05	90	27.05	93

Ѓўзанинг суғориш муддатлари дастурда белгиланган сув олди тупроқ намлиги асосида аниқланди. Тупроқ намлигини белгиланган даражага етиши билан ерга навбатдаги сув берилди. Тажриба вариантлари бўйича ғўзанинг амалдаги суғориш муддатлари, сони, тизимлари, давомийлиги, амал-ўсув суви ва мавсумий суғориш меъёрлари ҳақидаги маълумотлар 3.8.1-жадвалда келтирилган. Суғориш олди тупроқ намлиги тартибини бир маромда сақлаш учун ҳар хил меъёрда ва миқдорда сув бериш талаб этилди, бу мавсумий суғориш меъерининг турлича бўлишига олиб келди. Суғориш тартиблари бўйича суғориш олди тупроқ намлиги суғориш, меъёри ва мавсумий суғориш миқдорини турлича бўлишга олиб келди. Суғориш тартиблари ҳамда меъёрларининг турлича бўлиши ўз навбатида ғўзанинг биологик хусусиятларига ва тезпишарлигига турлича таъсир кўрсатди. Барча муддатларда экилган ғўза навлари 60-70-60% тартибда, 1-1-1 тизимда 3 марта суғорилди. Бир суғоришда 1100-1191 м³/га, мавсум давомида 3410- 3240 м³/га сув берилди, суғориш давомийлиги 25-32 соатни, суғориш оралиғи 18-21 кунни ташкил этди, 70-80-70% тартибда 1-2-1 тизим бўйича 4 марта суғорилди. Ҳар бир суғоришда 770-890 м³/га, мавсум давомида 3535 – 4527 м³/га миқдорда сув берилди, суғориш давомийлиги 21-30 соатни, суғориш оралиғи 13-22 кунни ташкил этди.

Мақбул экиш муддати ғўзанинг ўсиши ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосил миқдорини белгилашда ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ҳосил тугунчалари ва бўлиқ кўсақлар ҳосил бўлиши асосан экилаётган навнинг ўзига хос биологик хусусиятларига қараб тупроқ шароити ва сув-озика меъёрлари ҳамда экиш муддатларига боғлиқлиги кузатилди. Тажрибамизда иш ҳажми кенгайиб кетмаслиги учун ҳар бир ғўза нави уларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу навлар учун мақбул деб топилган бир хил, 90 минг туп/га назарий кўчат қалинлигида ўрганилди. Тажрибада кўчат қалинлигини аниқлашдан мақсад, аввало олинган кўшимча пахта ҳосилини кўчат қалинликларида боғлиқ эмаслигини исботлаш, қолаверса ўрганилаётган ғўза навларида кўпроқ ҳосил тугунчалари пайдо бўлиши учун шароит яратиш ва юқори сифатли пахта ҳосили олишдир. Айтиш жойизки, ғўза ниҳоллари тўлиқ униб чиққандан сўнг 60x15x1-2 тизимда бир метрда 6-7 дона кўчат қолдирилиб яганалаш ўтказилди. Тажриба вариантларида ғўза тупининг ўсиши, ривожланиши ва ўсув органларини ҳисоблаш билан бирга ундаги ҳосил тугунчалари сони ҳам қайд этиб борилди. Таъкидлаш лозимки, бир дона кўсақдаги пахта вазнини ўзгаришига суғориш тартиблари ва ўғитлар меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. Бу маълумотлар 3.9.1-жадвалда келтирилган.

Биринчи экиш муддатда (22.04.) Наманган-77 нави суғориш тартиби ЧДНС дан 60-70-60% бўлиб, ўғитлар N-150; P-105; K-75 кг/га қўлланилганда кўсақдаги пахта вазни 4,6 г, ўғитлар меъёрлари N-200; P-150; K-100 кг/га ошириш билан бу кўрсаткичлар 5,1 г. га тенг бўлди. Бунда кам ўғит меъёрларига нисбатан 0,5 г камлиги кузатилди. Ушбу нави тупроқ

намлиги ЧДНС дан 70-80-70% ва ўғитлар N-200; P- 150; K-100 кг/га қўлланилганда бир кўсак пахтасини вазни 5,2 г. ни ташкил қилди.

Султон навида энг юқори кўрсаткич 13-вариантда кузатилиб, суғориш тартиби ЧДНС дан 70-80-70%, ўғитлар N-200; P-150; K-100 кг/га меъёрда қўлланилганда, 6,6 г. бўлди. Бу кўрсаткич Наманган-77 навида нисбатан 1,4 г, купдир.

С-8286 нави суғориш тартиби ЧДНС дан 60-70-60% бўлиб, ўғитлар N- 150; P-105; K-75 кг/га қўлланилган вариантда мутаносиб равишда кусак вазни 5,0 г. ни ташкил қилди. Ўғитлар меъёрлари N-200; P-150; K-100 кг/га оширилиши билан бу кўрсаткичлар 5,3 г. га тенг бўлди. Бунда кам ўғит меъёрларига нисбатан 0,3 г фарқланди. Ушбу навни тупроқ намлиги ЧДНС дан 70-80-70% ва ўғитлар N-200; P- 150; K-100 кг/га қўлланилганда бир кўсак вазни 4,9 г. бўлди. С-8290 ғўза навида энг юқори кўрсаткичлар юқори ўғит ва юқори сув меъёрларида кузатилиб, суғориш тартиби ЧДНС дан 70-80-70%, ўғитлар N-200; P-150; K-100 кг/га меъёрда қўлланилганда 5,5 г. га тенг бўлди. Бу экиш муддатида бир дона кўсак оғирлиги бўйича устунлик Султон навида, 6,6 г. кузатилди. Иккинчи ва учинчи экиш муддатлари (06.05 ва 18.05) да ҳам барча агротадбирлар қўлланилганда Султон нави 5,2-5,5 г.ни ташкил этди. Бундан куришиб турибдики, экиш муддати кечиккан сари бир дона кўсак вазни камайиб борди. Бундай ҳолат қолган навларда Наманган-77 (5,2-4,5-4,5г.), С-8286 навида (5,3-4,9-4,9 г.), С-82-90 навида (5,7-4,9-4,9 г.) ҳам кузатилди.

Чигит экиш муддатлари ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши ҳамда кўсаклар сони, бир кўсак пахта вазни, бир ўсимликдаги умумий пахта вазни каби кўрсаткичларга таъсир кўрсатди намлиги ЧДНС дан 70-80-70% ва ўғитлар N-200; P- 150; K-100 кг/га қўлланилганда бир кўсак пахтасини вазни 5,2 г. ни ташкил қилди.

Султон навида энг юқори кўрсаткич 13-вариантда кузатилиб, суғориш тартиби ЧДНС дан 70-80-70%, ўғитлар N-200; P-150; K-100 кг/га меъёрда қўлланилганда, 6,6 г. га тенг бўлди. Бу кўрсаткич Наманган-77 навида нисбатан 1,4 г. купроқ бўлди.

С-2868 нави суғориш тартиби ЧДНС дан 60-70-60% бўлиб, ўғитлар N- 150; P-105; K-75 кг/га қўлланилганда вариантда мутаносиб равишда кусак пахтасини вазни 5,0 г. ни ташкил қилди. Ўғитлар меъёрлари N-200; P-150; K-100 кг/га ошириш билан бу кўрсаткичлар 5,3 г. га тенг бўлди. Бунда кам ўғит меъёрларига нисбатан фарқ 0,3 г бўлганлиги кузатилди. Ушбу навни тупроқ намлиги ЧДНС дан 70-80-70% ва ўғитлар N-200; P- 150; K-100 кг/га қўлланилганда бир кўсак пахтасини вазни 4,9 г. ни ташкил қилди, С-8290 ғўза навида энг юқори кўрсаткичлар юқори ўғит ва юқори сув меъёрларида кузатилиб, суғориш тартиби ЧДНС дан 70-80-70%, ўғитлар N-200; P-150; K-100 кг/га меъёрда қўлланилганда 5,5 г. га тенг бўлди. Бу экиш муддатида бир дона кўсак оғирлиги бўйича устунлик Султон навида, 6,6 г. кузатилди. Иккинчи ва учинчи экиш муддатлари (06.05 ва 22.05) да ҳам барча агротадбирлар қўлланилганда ҳам Султон нави 5,2-5,5 г.ни кўрсатди. Бундан кўришиб турибдики экиш муддати кечиккан сари бир дона кўсак вазни камайиб борди. Бундай ҳолатни қолган барча навларда Наманган-77 (5,2-4,5-4,5г.), С-8286 навида (5,3-4,9-4,9г.), С-82-90 навида (5,7-4,9-4,9 г.) ни ташкил этди.

Демак, экиш муддатлари-ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши ҳамда кўсаклар сони, бир кўсак пахта вазни, бир ўсимликдаги умумий пахта вазни каби кўрсаткичлар бир-бирига мутаносиб бўлиб, булар пахта ҳосили салмоғида ўз ифодасини топган.

Тажрибада экилган Наманган-77 ғўза нави суғориш тартиби ЧДНС дан 60-70-60% да, маъдан ўғитларни N-150; P-105; K-75 кг/га меъёрида қўллаб парваришланганда, 19 апрелда экилганда изланишларга мутаносиб равишда пахта ҳосили 28,9 ц/га ни ташкил қилди. 6 май куни экилганда эса, 27,6 ц/га ни, 18 майда эса 25,3ц/га ни ташкил этди. Маъдан ўғитлар меъёри оширилганда эса, биринчи муддатда экилганда 30,3 ц/га, иккинчи муддатда экилганда 29,4 ц/га ва учинчи муддатда экилганда 27,3 ц/га пахта ҳосили олишга эришилди. Бундан кўришиб турибдики, ўғит меъёри ортиши билан ҳосилдорлик ҳам ортиб борди, биринчи муддатда экилганда 1,4 ц/га, иккинчи муддатда экилганда 1,8 ц/га, учинчи муддатда экилганда эса 2,0 ц/га юқори ҳосил олинди. Наманган-77 нави суғориш тартиби оширилганда ЧДНС 70-80-70% бўлганда маъдан ўғитлар меъёрлари отиб борган сари ҳосилдорлик ҳам ортиб борган. Бунда

биринчи муддатда экилганда 34,4 ц/га, иккинчи муддатда 33,0 ц/га, учинчи муддатда 26,3 ц/га ҳосил олинган. Бундан кўриниб турибдики, қанча сув-озика меъёрлари қўлланилмасин экиш муддати кечиккан сари пахта ҳосилдорлиги пасайиб борди. Бундай ҳолат Султон, С-8286, С-8292 навларда ҳам кузатилган.

Тадқиқотлар мақсади турли сабаблар билан чигит қайта экилганда қайси навни экиш мумкинлигини аниқлашдан иборат эди. Шу боис биринчи теримда кўп ҳосил берган навни аниқладик. Биринчи (19.04) экиш муддатида Наманган -77 навида 55,8 - 61,1%, Султон навида 57,3-62,3%, С-8286 навида 66,3-73,3%, С-8290 навида 66,3- 61,6% ҳосил биринчи теримда териб олинди. Иккинчи (6.05) муддатда экилган Наманган-77 дан 47,1-56,2%, Султон навидан 50,3-55,9%, С-8286 навидан 58,5-63,8%, С-8290 навидан 67,7-66,8% ҳосил биринчи теримда терилди. Учунчи муддатда экилган Наманган-77 навидан 44,9-49,4%, Султон навида 47,7-51,3%, С-8286 навида 57,1-51,1% С-8290 навида 52,6-58,4% ҳосил биринчи теримда териб олинди. Бундан кўриниб турибдики, барча экиш муддатларда С-8286 ва С-8290 навлари Наманган-77 ва Султон навига нисбатан тезпишарлигини кўрсатди.

Яъна муҳим жиҳатлардан бири кеч экилган муддатларда ғўзани юқори ўғит ва намликда парваришлаш ҳосилни янада кечикиб кетишига олиб келди. С-8286 навида тупроқ намлиги ЧДНС дан 60-70-60% бўлиб, ўғитлар N-200; P-105; K-75 кг/га меъёрида қўлланилганда 28,2 ц/га, тупроқ намлиги ЧДНС дан 70-80-70% бўлиб, ўғитлар N-200; P-105; K-75 кг/га меъёрида қўлланилганда 26,5ц/га, яъни 1,7 ц/га кам ҳосил олинди. Бу курсаткич Наманган-77 ва Султон навларида янада яққол намоён бўлган.

Хулоса: Чигит мақбул муддатда (19 апрелда) Наманган-77, Султон, С-8290 ва С-8286 навлари экилиб N-200, P-150, K-100 меъёрда маъданли ўғитлар қўлланилиб, ЧДНСга нисбатан 70-80-70 % да суғорилиганда Султон навидан (34,4 ц/га) 0.2-4.0 ц/га, ЧДНСга нисбатан 60-70-60 % да суғорилганда эса С-8286 навидан (32,2 ц/га) 1.1-2.9 кўп пахта ҳосили етиштирилди. Чигит 6 майда Наманган-77, Султон, С-8290 ва С-8286 навлари экилиб N-200, P-150, K-100 меъёрда маъданли ўғитлар қўлланилиб, ЧДНС га нисбатан 70-80-70 % да суғорилиганда Наманган-77 навидан (33ц/га) 0.8 ц/га, ЧДНСга нисбатан 60-70-60 % да суғорилганда эса С-8286 навидан (31,1 ц/га) 0,5-2,5 ц/га кўп пахта ҳосили етиштирилди.

Чигит 19 майда экилганда юқорида келтирилган навларна нисбатан С-8286 навидан биринчи теримда 58.4% пахта терииб олинди. Бошқа навларга нисбатан 1.3-13.5% гача биринчи теримда ҳосил салмоғи ортиши аниқланди.

Шамол эрозияси ва ва бошқа табиий офатлар сабабли Наманган-77, Султон, С-8290 ва С-8286 навлари чигити 19 майда экилса, N₁₅₀ P₁₀₅ K₇₅ меъёрда маъданли ўғитлар қўлланилиб, ЧДНС га нисбатан 60-70-60 % да суғорилиганда С-8286 ғўза навидан 28,0 ц/га пахта ҳосили олиши аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июндаги ПФ-6024-сонли фармони “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон овози газетаси, 2020 йил, 983-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-58532-сонли фармони “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон овози газетаси, 2019 йил, 1213-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июлдаги ПФ-5742-сонли фармони “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги фармони, Ўзбекистон овози газетаси, 2019 йил, 78-сон.
4. Methods of agrochemical, agrophysical and microbiological studies in irrigated lands. Tashkent. USSRRI, 1963. P. 439.
5. Methods of agro physical studies. Tashkent. 1973.
6. Methods of agro chemical analysis of soil and plants. Tashkent 1977.

7. Methods of conducting field experiments. Tashkent, 2007. P. 148.
8. Cotton reference book. Tashkent. Mehnat press. 1989. P. 249-252.
9. Reference of cotton production. Tashkent. Science and technologies press. 2016. P. 539.
10. Rijov S.N. "Optimum soil moisture in cotton culture" // Soviet cotton, 1940. № 6.
11. Kovda V.A. "Fundamentals of the doctrine of soils" // Publishing Nauka, - No. 2. Moscow, 1973. - p. 29-47.
12. Kostyakov A.N. "Fundamentals of land reclamation" // Moscow: Selkhozgiz, 1960, - p. 621.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Аманов Баходир Тўхтасинвич

доцент

Йўлдошев Хушнудбек Ориф ўгли

магистрант

Абдураимов Камолиддин Абдухалил угли


магистрант

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини

механизациялаш муҳандислари институти

БОҒЛАРНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИ АСОСЛАШ

For citation: Amanov Bahodir. Yuldoshev Xushnudbek. Abduraimov Kamoliddin. Substantiation of irrigation regimes of gardens. Journal of Agro processing. 2021, vol. 3, Issue 2, pp.45-50

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2021-2-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада метеостанция малумотларидан фойдаланган ҳолда эвопотранспиратсиянинг ҳисоб-китобига асосланган Республикамизнинг суғориладиган ҳудудларининг табиий шароитлари учун адаптация қилинган халқаро ФАО методикаси орқали ғўзанинг суғориш тартиблари аниқланган. Тадқиқот ўтказилган объектга яқин Тошкент вилоятидаги Туябўғис метостанция маълумотлари: ҳудудларнинг температураси, намлиги, шамол ва қуёшни нур сочиш давомийлиги бўйича ҳисобланади.

Калит сўзлар: Томчилатиб суғориш, суғориш меъёри, суғориш вақти, суғоришлар сони, эвопотранспирация, суғориш давомийлиги.

Аманов Баходир Тухтасинвич

доцент

Йўлдошев Хушнудбек Ориф угли

магистрант

Абдураимов Камолиддин Абдухалил угли

магистрант

Ташкентский институт инженеров ирригации и

механизации сельского хозяйства

ОБОСНОВАНИЕ РЕЖИМОВ ПОЛИВА САДОВ

АННОТАЦИЯ

В статье определены режимы орошения хлопчатника с использованием международной методологии ФАО, адаптированной к естественным условиям орошаемых территорий республики, на основе расчета эвопотранспирации с использованием метеорологических

данных. Данные метеостанции Туябогис в Ташкентской области, недалеко от места исследования: температура регионов, влажность, рассчитывается по продолжительности ветра и солнечного света.

Ключевые слова: Капельное орошение, норма полива, время полива, количество поливов, эвапотранспирация, продолжительность полива.

Amanov Bahodir
assistant professor
Yuldoshev Xushnudbek
master of degree
Abduraimov Kamoliddin
master of degree
Tashkent institute of irrigation and
agriculture mechanization engineers

SUBSTANTIATION OF IRRIGATION REGIMES OF GARDENS

ANNOTATION

This article identifies irrigation regimes for cotton using the international FAO methodology adapted to the natural conditions of the irrigated areas of the Republic, based on the calculation of evapotranspiration using meteorological data. Information about Tuyabogis metostation in Tashkent region, close to the research site: temperature of regions, humidity, is calculated by the duration of wind and sunlight.

Keywords: Drip irrigation, irrigation rate, watering time, number of irrigations, evapotranspiration, duration of irrigation.

Республикамизда 2020 — 2030 йилларда аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш вазифалари бугунги куннинг фидойи мутахассисларининг бир мақсад сари интилишлари кераклигига туртки бермоқда.

Шунингдек дарёлар, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сувнинг аҳамияти жуда каттадир. Мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан таъминлаш мақсадида суғориш тартибларини ишлаб чиқиш ва уларнинг методикаларини такомиллаштириш давр тақозоси ва ўта муҳим масаласи ҳисобланади.

Турли иқлим ва агрономик шароитларда ҳар хил қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган талабини белгилаш учун математик модел сифатида Пейман-Монтейтанинг модификация қилинган тенглиги Халқаро ФАО методикаси маҳаллий шароитга адаптация қилган ҳолда ушбу мақолада қабул қилинган. Республикамизда бу масала бўйича Р.К.Икрамов, О.Рамазонов, Б.Матёқубов, Б.Т.Аманов ва бошқа олимлар томонидан “Қишлоқ хўжалик экинларини сув истеъмоли меъёри” ни маҳаллий шароитида адаптация ва коррективировка қилиш кўзда тутилганлар.

Экинларни суғориш тартибларини ҳисоблашда дала сув балансига асосланиб, далани суғориш графиклари орқали ифодаланади. Ушбу ифодада қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартибини ва биологик сувга бўлган талаб меъёрлари қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$B = W_e - W_b - P - G_c + ET_c \quad (1)$$

Бу ерда: W_e - ой охиридаги тупрокдаги намлик захираси, мм; W_b - ой бошидаги тупрокдаги намлик захираси, мм; P_e - Атмосфера ёғинлари, мм; G_e - сизот сувларидан илдиз қатламига капиллярларда намликни кўтарилиш тезлиги, мм/кун; ET_c - Экинларни эвапотранспирацияси

Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартибини ва биологик сувга бўлган талаб меъёрлари томчилатиб суғориш тизимига нисбатан ечадиган бўлсак:

$$B = W_e - W_b - P + ET_c \quad (2)$$

Томчилатиб суғориш тизимларда сизот сувларидан илдиз қатламига капиллярларда намликни кўтарилиш тезлиги илмий адабиётларда ҳисобга олинмаган.

Қишлоқ хўжалиги экинларни эвапотранспирацияси куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$ET_c = K_c \cdot ET_0 \quad (3)$$

бу ерда: K_c – экинларни сув истеъмолида ҳисобга олиш учун коэффициент, ET_0 - экиннинг эталон эвапотранспирация [мм/кун⁻¹].

Қишлоқ хўжалик экинларини эталон сувга эҳтиёжи (ET_0) “қатта далада касалликка чалинмай ўсаётган ўсимлик, тупроқ унумдорлиги ва намлигидан чекланмаган шароитда, маҳсулдорлиги бўйича тўлиқ потенциалга эришишга имкон берувчи эвапотранспирацияга сарфланган сув сарфини миқдори” тушунилади.

Тадқиқот ўтказётган объектга яқин Тошкент вилоятидаги Туябўғис метостанция маълумотлари: ҳудудларнинг температураси, намлиги, шамол ва куёшни нур сочиш давомийлиги бўйича ҳисобланади[9]. Қишлоқ хўжалиги экинларни суғориш тартибларига ФАО қўлланмаси бўйича ёндошишиб, Пенмен-Монтейн формуласи бўйича ҳисоб-китобларга асосланамиз:

$$ET_0 = \frac{0.408 \Delta (R_n - G) + \gamma \frac{900}{T + 273} u_2 (e_s - e_a)}{\Delta + \gamma (1 + 0.34 u_2)} \quad (4)$$

Бу ерда; ET_0 - экиннинг эталон эвапотранспирация [мм/кун⁻¹], R_n - ўсимликнинг сатҳига тушадиган соф радиация, (МДж м⁻² кун⁻¹), G - тупроқ иссиқлик оқимининг жадаллиги [МДж м⁻² кун⁻¹], T - 2 м баландликда ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати [°C], u_2 - 2 м баландликда шамол тезлиги [м с⁻¹], e_s - тўйинган буғнинг босими [кПа], e_a - буғнинг амалдаги босими [кПа], $(e_s - e_a)$ – ҳаводаги буғ босими дефицити [кПа], Δ - буғнинг босимли эгри чизигини нишаблиги [кПа °C⁻¹], γ - психрометрик ўзгармас константа [кПа °C⁻¹],

Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманида жойлашган “Sweet star fruit” фермер хўжалиги шароити учун халқаро ФАО услубида шафтоли кўчати майдонининг суғориш графигини ҳисоблаш усули ва майдонни сув баланси асосида шафтолига сув бериш тартиби ишлаб чиқилди. Ҳисоб китоб натижалар 1-2-жадвалга киритилиб борилади.

Халқаро «ФАО» усули бўйича бир марта суғориш меъёри куйидаги формула орқали топилади:

$$M = \frac{p \cdot S_a \cdot H \cdot P}{E_u E_a}, \text{ мм.} \quad (5)$$

Бу ерда: H – фаол қатламни намлаш чуқурлиги, 0,6 (м); p - чегаравий дала нам сифими; P - хўлланган сиртни қисми. Бу куйидагича топилади:

$$P = \frac{W}{b \cdot l} = \frac{0,1}{0,7 \cdot 0,3} = \frac{0,1}{0,21} = 0,48 \quad (6)$$

W - намланган юза м²

$$W = \frac{q_E}{\bar{V}} = \frac{1}{9.5} = 0.1 \text{ м}^2 \quad (7)$$

\bar{V} - тупроқнинг ўртача шимилиш тезлиги 9,5 мм/соат; l - линияда томизғичлар орасидаги масофа; S_a - тупроқнинг рухсат этилган намлиги; E_u - Сувнинг бир текисда таксимлаши 0,95; E_a - суғоришнинг ФИК 0,9

Томчилатиб суғориш тизими қурилган шафтоли кўчати майдонининг суғориш довомийлиги аниқланади:

$$t = \frac{M \cdot b \cdot l}{q_m} \tag{8}$$


Бу ерда: q_m - томизғични сув сарфи; b - томчилатиб суғориш линалар орасидаги масофа; l - линияда томизғичлар орасидаги масофа;

Майдоннинг суғориш графиклари дала сув балансига асосланиб, сув қатлами қалинлигида ва суғоришлар оралиқ вақтида ифодаланади. Суғориш меъёрини (M , мм.да) ва суғоришлар оралиқ вақтини (t , кунларда) бутун вегетацион давр учун бирламчи аниқлаш тупроқ намлигини ойлик баланси ва тупроқ намлигининг йўқолиши бўйича маълумотлар асосида бажарилди. Хар ойлик асосида суғоришларсиз вегетация даври учун тупроқ намлигининг жорий баланси аниқланиб борилади (1-жадвал).

1-жадвал. Хар ойлик асосида суғоришларсиз вегетация даври учун тупроқ намлигининг жорий баланси

Ойлар	ЕТо, мм/ой	Кс,	ЕТс, мм/ой	Ре, мм	Wb, мм	We, мм
Апрель	20,86	0,4	8,3	26,15	140	158
Май	120,78	0,91	110,2	2	158	49
Июнь	124,28	0,79	98,2	10	49	-39
Июль	136,63	1,0719	146,5	0	-39	-186
Август	120,73	0,88	105,7		-186	-291
Сентябрь	82,60	0,6	49,6	13	-291	-328
Октябрь	64,36	0,6	38,6	2	-328	-364

Тупроқдаги намлик захирасининг қийматини хар бир ойнинг охирида графикка киритиб борилади(1-расм).



1-расм. Майдоннинг суғориш графиги.

Илдиз қатламида йиғилган ҳамма етиб борган тупроқ намлигининг қиймати мазкур тупроқ ва экин учун аниқланади ($Sa \cdot D$) кейин бу қийматлар графикка киритилади. Етиб борган тупроқ намлигини умумий миқдордан (p) хиссаси аниқланади ва экиннинг ЕТ си тўғирланади.

Ҳар бир ой учун $(1-p) \cdot Sa \cdot D$ ҳисобланади ва графика киритилади (Тупроқ намлиги эгри чизигининг йўналиши). Тупроқ намлигининг (We) эгри чизик баланси тупроқ намлигининг эгри чизик $(1-p) \cdot Sa \cdot D$ йўналишини кесиб ўтганда тупроқ намлигини $(p \cdot Sa) \cdot D$ суғоришлар билан тўлдириш лозим [3,4].

Ҳисоблаш тадқиқотлари натижасига кўра бутун вегетация даврида (120 кун) сабзини сувга бўлган талабини кондириш мақсадида июн ойида сув қуйишлар сони 9та, июл ойида сув қуйишлар сони 9та ва август ойида сув қуйишлар сони 3та. Ҳалқаро ФАО услуги билан ҳисобланганда суғоришнинг ФИК ни 0,9 деб ҳисобланган.

2-жадвал. Фермер хўжалиги майдонинг суғориш меъёрлари

Ойлар	Суғориш меъёри, мм	Суғоришлар сони	Ҳар ойдаги суғориш меъёри, мм
Июнь	27	2	55
Июль	38	2	77
Август	44	2	88
Вегетация бўйича		6	220

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки Ҳалқаро ФАО услублари илмий асосланган бўлиб, афзаллиги шундаки иқлимнинг ўзгариши, тупроқнинг механик таркиби, сувларнинг минерализациясининг ошиши ва бошқа омилларни ҳисобга олиб, керакли натижаларга эришилади. Бу усулнинг суғориш оралик вақти ва муддатлари аниқ кўрсатилмаган.

Суғориш оралик вақти ва муддатларини биз, мазкур иш доирасида, графо-аналитик усулда ҳисоблашнинг мумкинлигини топдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аманов Б.Т., Қузиёв.Ф.С., Йўлдошев Х.О., Ғўзанинг суғориш меъёрларини ҳозирги табиий шароити ҳисобга олиб асослаш. АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ 8 СОН, 2 ЖИЛД. ТОШКЕНТ-2020. 41-б.
2. Икрамов Р.К. Уточнение режимов орошения сельскохозяйственных культур и гидромодульного районирования орошаемых земель -актуальная проблема //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, №3, 2015, 32б.
3. Икрамов Р.К., Джумаев З.Т., Amanov B.T. On the issue of methods of managing adaptive-meliorative regimes of technogenically disturbed agrolandscapes.. European Sciences review Scientific journal № 7–8 2018 (July–August) p.224-226.
4. Amanov B.T. Substantiation of the order of the calculations and specifications crop irrigation Currently. European Sciences review Scientific journal № 1–2 2017 (January–February) p.174-177.
5. Аманов Б.Т., Шездюкова Л., Утаев А., Гаппаров С.М., Рахимов Р.Р. К вопросу расчетного обоснования норм водопотребности орошаемых земель “Научное обеспечение как фактор устойчивого развития водного хозяйства” доклады II международной научно-практической конференции, г.Тараз, 24 июня 2016 года, 419-423 с.
6. Аманов Б.Т. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёрларини асослаш методикасини такомиллаштириш. Монография Тошкент ТИҚХММИ 2019 й. 108 б.
7. Amanov B.T., Gadaev N. N., Ahmedjonov D.G., Zhaparkulova E. Mathematical calculations of water saving during furrow irrigation of cotton using a screen from an interpolymer complex International Scientific Conference on Modelling and Methods of Structural Analysis 2019, MMSA 2019; Moscow; Russian Federation; 13-15 November 2019 Journal of Physics: Conference Series 1425(1)012120

8. ФАО материалы по ирригации и дренажу 24 “Водопотребление селхозкультур” Научно-информационный центр межгосударственной координационной водохозяйственной комиссии (НИЦ МКВК). Ташкент 2000. -127 с.
9. Публикации ФАО по ирригации и дренажу 56 “Эвапотранспирация растений” Научно-информационный центр межгосударственной координационной водохозяйственной комиссии (НИЦ МКВК). Ташкент 2001. -296с
10. Беспалов Н.Ф., Малабаев Н.И., Мамбетназаров Б.С., Кучкаров Д.К., и др. Мелиорация и орошение культур хлопкового севооборота (гидромодульное районирование и режимы орошения сельскохозяйственных культур по областям республики Узбекистан). Ташкент 1992. -191 с.
11. Гидромодульное районирование и режим орошения сельскохозяйственных культур по областям Республики Узбекистан. Утверждено ГОСАГРОПРОМА УЗССР Джурабеков И.Х. 1987г
12. Шредер В.Р., Васильев И.К., Трунова Т.А.. Гидромодульное районирование и расчет оросительных норм для хлопчатника в условиях аридной зоны //Вопросы проектирования и эффективности работы гидромелиоративных систем средней азии сборник научных трудов, выпуск 8, 1977, с. 28-41.
13. Шредер В.Р., Сафонов В.Ф., Васильев П.К. и др.Расчетные значения оросительных норм сельскохозяйственных культур в бассейнах рек Сырдарьи и Амударьи. Составители: Минводхоз СССР. Главсредазирводстрой, Средазгипроводхлопок. - Ташкент: Средазгипроводхлопок, 1970. - С.7-12, 110-111.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Абдумаликов Акрамжон Абдурашид Ўғли

магистр

abdumalikov-akram@mail.ru

Насибов Бобурбек Рустамжон Угли

ассистент

bobnasibov@gmail.com

Шарипжонова Зилола Шарипжон Кизи

ассистент


Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

механизациялаш муҳандислари институти

Sharipjonova_1994@mail.ru

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ШОХИМАРДОНСОЙ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

For citation: Abdumalikov Akramjon. Nasibov Boburbek. Sharipjonova Zilola. Changes in water resources in the Shahkardansay river basin in the context of climate change and ways to improve their use. Journal of Agro processing. 2021, vol. 3, Issue 2, pp.51-56

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2021-2-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада иқлим ўзгаришини Шохимардонсой дарёси ҳавзаси сув ресурсларига таъсирини таҳлил қилинди. Дарё сув миқдорини узоқ йиллик ёғингарчиликлар маълумотлари олиниб графиклар таёрланди ва таҳлил қилинди. Иқлим ўзгаришини таъсирини билиш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларни тежаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Иқлим ўзгаришига олиб келаётган омиллар ҳамда уларни олдини олиш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Айнан шу тадбирлар орқали биз сув ресурсларидан оқилона фойдаланиб қишлоқ хўжалигида сув тақчиллигини олдини олишимиз мумкинлиги асосланди. **Калит сўзлар:** иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги, гидрографик диаграмма, ҳарорат, ёғингарчилик, сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги.

Abdumalikov Akramjon

master degree

abdumalikov-akram@mail.ru

Nasibov Boburbek

bobnasibov@gmail.com

Sharipjonova Zilola

Tashkent institute of irrigation and agriculture

mechanization engineers

Sharipjonova_1994@mail.ru

CHANGES IN WATER RESOURCES IN THE SHAHKMARDANSAY RIVER BASIN IN THE CONTEXT OF CLIMATE CHANGE AND WAYS TO IMPROVE THEIR USE

ANNOTATION

The article analyzes the impact of climate change on the water resources of the Shahkmardansay river basin. The amount of river water was plotted and analyzed based on long-term precipitation data. Measures have been developed to ensure the efficient use and conservation of water resources by recognizing the impact of climate change. Climate change factors and a number of recommendations for their prevention have been developed. It is through these measures that we can use water resources wisely to prevent water shortages in agriculture.

Key words: climate change, water scarcity, hydrographic diagram, temperature, precipitation, water resources, agriculture

Абдумаликов Акрамжон Абдурашид угли

магистрант

abdumalikov-akram@mail.ru

Насибов Бобурбек Рустамжон угли

ассистент

bobnasibov@gmail.com

Шарипжонова Зилола Шарипжон кизи

ассистент

Ташкентский институт инженеров ирригации и

механизации сельского хозяйства

Sharipjonova_1994@mail.ru

ИЗМЕНЕНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В БАССЕЙНЕ РЕКИ ШАХИМАРДАН В КОНТЕКСТЕ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА И ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется влияние климатических изменений на водные ресурсы бассейна реки Шахимардансай. Графики были подготовлены и проанализированы путем получения данных о многолетних осадках по количеству речной воды. Меры по эффективному использованию водных ресурсов и их сохранению были разработаны с учетом воздействия изменения климата. Был разработан ряд предложений по устранению факторов, ведущих к изменению климата, и их предотвращению. Именно с помощью этих мер мы можем предотвратить нехватку воды в сельском хозяйстве за счет рационального использования водных ресурсов.

Ключивые слова: изменение климата, нехватка воды, гидрографическая диаграмма, температура, осадки, водные ресурсы, сельское хозяйство

Кириш. Хозирги кунда бутун дунё давлатларини қийнаб келаётган муаммолардан бири бу иқлим ўзгариши ҳисобланади. Қурғоқчил иқлим минтақасида жойлашган Ўзбекистон шароитида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш энг долзарб масалалардан бири саналади. Бу минтақада қишлоқ хўжалиги, хусусан зироатчиликнинг барқарор ривожланишини суғоришсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, аҳоли сони кескин ортиб, иқлим ўзгаришларининг кўринишлари аниқ сезилаётган охирги ўн йилликларда сув ресурсларининг тақчиллиги тобора яққол намоён бўлиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Орол денгиз ҳавзаси минтақасида, шу жумладан Ўзбекистон худудида сув реурсларининг тақчиллиги йилдан йилга кучайиб, сув кам бўлган йиллар тез-тез такрорланмоқда. Масалан, 2000 йилларга қадар сув тақчиллиги ҳар 6-8 йил ичида кузатилган бўлса, охирги вақтларда бу ҳолат ҳар 3-4 йилда рўй бермоқда. Бунинг оқибатида Ўзбекистон

бўйича умумий сув танқислиги 2018 йилда 3 км³ гача етди. Мутахассислар бу кўрсаткич 2030 йилда – 7 км³, 2050 йилга бориб 13 - 15 км³ га етиши эҳтимоли мавжудлигини қайд қилишмоқда [1].

Бундан 30 йиллар аввал Ўзбекистон ўз мақсадлари учун Орол денгизи ҳавзаси умумий сув ресурсларининг 55 % дан ортиғидан фойдаланган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 45 % нигина ташкил қилади. Худди шу даврда мамлакат аҳолисини сони қарийб 2 баробарга ортган. Натижада мамлакат томонидан аҳоли киши бошига ишлатилаётган сувларнинг миқдори 1990-2010 йиллар (20 йил) давомида 40 % дан ортиққа камайган (1990 й. - 3193 м³, 2010 й. - 1890 м³) [2].



Юқорида қайд қилинганлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон шароитида мавжуд сув ресурсларининг тақчиллиги ортиши билан бирга сувга бўлган талаб ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Оқибатда мамлакатнинг айрим минтақаларида бугуннинг ўзида сув ресурсларининг кескин танқислиги кузатишмоқда. Бундай шароитда сув ресурсларига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, улардан фойдаланишда сув тежовчи суғориш технологияларини кенг жорий қилиш талаб қилинмоқда.


Шоҳимардон дарёси Олой ва Туркистон тоғ тизмаларининг шимолий ён бағридан бошланадиган Дугоба, Оқсув ва Кўксув сойларининг қўшилишидан Шоҳимардон қишлоғи яқинида ҳосил бўлади. Дарёнинг узунлиги 112 км бўлиб, ҳавзасининг майдони 1300 км² га тенг. Дарё асосан тоғлардаги қор ва музликлар билан тўйинади. Поулғон қишлоғи яқинидаги ўлчаш станциясига кўра дарёнинг ўртача узоқ йиллик оқими йилига 310 млн.м³ ни ташкил қилади. Дарёнинг ўртача йиллик оқими 9,5 м³/с ни ташкил қилади. Дарёдаги энг юқори сув оқими (ўртача 19,4 м³/с) июлда, энг пасти (ўртача 4,9 м³/с) апрелда кузатишмоқда. [3]

Шоҳимардонсой дарёсининг асосий манбаи Помир тизмасининг жанубий ён бағирларида, Қирғизистон ҳудудида 4000-4500 м баландликларда ҳосил бўлган ва тоғ дарёси хусусиятига эга. Ушбу тизимнинг ер усти сув ресурсларининг асосий манбаи бу Шоҳимардонсой дарёсининг оқими ҳисобланади. Ер ости сизот сувлари ва дренаж оқими тизимнинг сув ресурслари дарё ҳавзаси сувини қўшимча тўлдирди. Ерларни сув билан таъминлашни ошириш учун сув ҳавзадан насослар орқали олинади. Шоҳимардон - бу Қирғизистон Республикаси ҳудудидан пайдо бўлиб, Ўзбекистон ҳудудига ўтиб Сирдарёга қуйиладиган трансчегаравий дарё ҳисобланади.[4]

Шоҳимардонсой дарёси сувининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини суғоришга учун сарфланади. Сўнгги йилларда иқлим ўзгариши таъсирида дарё сув ҳавзасининг сув билан таъминланиш даражасида ўзгаришлар юз бермоқда.


Бунинг учун дарё ҳавзасини сув оқими охириги 15-йилдаги муддатларни 2005-2019 йиллар даврига ҳар 5-йиллик даври учун гидрографиглари таҳлил қилинди. Гидрографлар Шоҳимардонсой дарёси оқимининг охириги йилларда камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Дарё оқими 2010-2014 йиллар ёз ойларида кўтарилиб, 2015-2019 йилларда бироз пастлаган. Буни ушбу дарё ҳавзасида музликлар майдонининг камайгани билан изоҳлаш мумкин.






1-расм. Шохимардонсой дарёси 2005-2019 йиллар давридаги сув оқими гидрографлари.

Шохимардонсой дарёси ҳавзасининг 2005-2019 йиллар даврида дарё сув оқимини ўзгаришларини 2005-2009, 2010-2014 ва 2015-2019 йиллар даврлардаги 5- йиллик муддатларга ажратилиб ўрганилиши натижалари дарё сув оқимини камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2005-2009 йилларда дарё сув оқимини бошқа даврлардагига кўра нисбатан юқори бўлганлини ва охириги 2015-2019 йиллар оралиғидаги даврда дарё сув оқимини кескин камайганлиги кузатилди (2-расм).



2-расм. Шохимардонсой дарёси сув оқими гидрографини ўзгариши

Шохимардон метеостанциясида кузатилаётган ёғингарчилик маълумотлари ўрганилиб, ҳозирги даврда келиб ёғин миқдорларини сезиларли даражада камайганлигини кўрсатди. 2006-2019 йиллар мобайнида ўртача ёғингарчилик миқдорлари камайганлигини кўрсатди. Охириги йиллардаги камсувликлар ушбу дарёлар ҳавзасида музликлар майдонининг қискарганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин (3-расм).



3-расм. Шохимардон метеостанциясида 1991-2019 йиллар атмосфера ёғинлари маълумоти ўзгариши

Шохимардон метеостанциясида 1991-2019 йилларда кузатилган ёғингарчилик маълумотларини таҳлил қилиш натижалари кузатув даврида йилик ёғинлар миқдорини камайганлигини кўрсатди. Ёғинлар миқдорининг ойлик ўртача миқдорлари ҳам январ ойида 11,52%, октябр ойида 42,23% га камайганлигини кўрсатмоқда. Баъзи ойларида эса йиллик ёғин миқдорини ортганини кўрсатмоқда. Масалан феврал ойида ўртача ёғин миқдори 23,52% кўпайган, май ойида 16,46% га кўпайган. Натижалар ҳавзада ёғингарчилик миқдорларини ўзгариши содир бўлганлигини кўрсатмоқда (1-жадвал).

1-жадвал. Шохимардон метеостанциясида 1991-2019 йиллар ёғингарчилик миқдорлари ўзгариши, мм

Йиллар	Ойлар											
	янв	фев	март	апр	май	июн	июл	авг	сен	окт	ноя	дек
1991-2005 (мм)	20	26	45	67	74	65	48	25	14	36	22	31
2006-2019 (мм)	17	33	41	59	78	60	36	17	13	24	23	21
Фарқи +/-	11,52 %	- 23,52 %	13,03 %	26,97 %	- 16,46 %	18,71 %	41,56 %	26,16 %	2,34 %	42,23 %	- 1,63 %	34,02 %

Хулоса. Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин; Иқлим ўзгаришларининг аксарият қисми музликларнинг эриши, асосий дарёлар сувининг камайиши ҳамда ёғингарчилик миқдори пасайиши туфайли содир бўлмоқда. Ушбу жараёнлар содир бўлиши нафақат Шохимардонсой дарёсида ҳам кузатилмоқда. Буни ушбу дарё ҳавзасида музликлар майдонининг камайгани ҳамда ёғингарчилик кам бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бажарилган таҳлиллар асосида, Шохимардонсой дарёси ҳавзасига боғланган майдонлардаги қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда қутилаётган сув танқислигини олдини олиш мақсадида замонавий сув тежовчи технологиялардан (томчилатиб, ёмғирлатиб, ер остидан) фойдаланишни кенг жорий қилиш ҳамда сув кам талаб қилувчи экинларни экишни кўпайтириш ва сувдан фойдаланишда сув ҳисоб китобини аниқ юритиш энг муҳим масалаларга айланмоқда.

Сув ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш буйича асосий тавсиялар сифатида қуйидагиларни амалга ошириш керак:

1. Иқтисодий тармоқларининг ҳамма соҳаларида сувдан фойдаланишни ёпиқ тизимга босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш.
2. Сув хўжалиги комплексларини ҳамма майдонларида шаклландирган оқова сувларни тўлиқ тозалаб сув хавзаларига ташлашни каътия н назорат этиш ҳамда суғорма деҳқончиликда шаклланаётган зовур ташлама сувларини дарё ёки ер ости сувлари билан маълум муносабатда аралаштирилиб ерларни суғоришда фойдаланишга ўтиш;
3. Қишлоқ хўжалигида, чорвачиликда, саноат тизимларида сувдан фойдаланишни ёпиқ тизимга ўтиши билан оқова сувларини тозалашни самарали, иқтисодий услубиятларини тадбиқ қилиш ҳамда оқова сувларини тозалаш технологиясини мукамаллаштириш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маматов С., Абдуллаев У. “Трансграничное бассейновое интегрированное управление водных ресурсов как основа повышения эффективности использования водных ресурсов региона”. //Водному сотрудничеству стран Центральной Азии – 20 лет: опыт прошлого и задачи будущего. Тезисы докладов Центрально-Азиатской международной научно-практической конференции, 20-21 сентября 2012 г. Алматы, Республика Казахстан. С. 96-98.

2. Маматов С. “Разработка предложений по совершенствованию управления стоком трансграничных малых рек Ферганской долины”, ОТЧЕТ САНИИРИ за 2010 год.
3. Temelsu International Engineering Services Inc., “Управление водными ресурсами в Ферганской долине Фаза-II” (ПУВРФД-II). Заключительный отчет, Ташкент 2016, С. 74.
4. Солиев И.Р., Гуломжонов Д., “Реакция рек Ферганской долины на изменение климата” Наманганский государственный университет Наманган, 2019
5. Региональная программа КГМСХИ для Центральной Азии и Кавказа, ИКАРДА, Ташкент, Узбекистан, 2012
6. Э. И. Чембарисов, Т. Ю. Лесник, “Особенности использования стока малых рек ферганской долины для орошения”, Ташкент 2010
7. Бассейновое управление ирригационных систем “Сирьдаря-Сох”, г.Фергана
8. Ю.Рысбеков, Проект«ИУВР-Фергана», Ташкент 2008
9. Официальный сайт Центра гидрометеорологической службы Республики Узбекистан www.hydromet.uz
10. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги сайти www.water.gov.uz

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Сайдалиева Гўзал Абдурашидовна

ассистент


Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

механизациялаш муҳандислари институти

g.saydaliyeva@tiame.uz

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ИҚТИСОДИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

For citation: Guzal Saidalieva. Directions of economic incentive in the efficient use of land resources. Journal of Agro processing. 2021, vol. 3, Issue 2, pp.57-61

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2021-2-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан самарали фойдаланишда рағбатлантириш механизмлари, ерларни муҳофаза қилиш, суғориладиган унумдор ерлардан оқилона фойдаланиш йўналишлари ҳамда уларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар. Ер, қишлоқ хўжалиги, давлат кадастри, техник воситалар, фермер хўжалик, имтиёз.

Сайдалиева Гузал Абдурашидовна

ассистент

Ташкентский институт инженеров ирригации и

механизации сельского хозяйства

g.saydaliyeva@tiame.uz

НАПРАВЛЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТИМУЛИРОВКИ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются механизмы стимулирования эффективного использования земельных ресурсов сельскохозяйственного назначения, охраны земель, территорий рационального использования, орошаемых плонородный земель и их экономического стимулирования.

Ключевые слова. Земля, сельское хозяйство, государственный кадастр, технические средства, сельское хозяйство, льготы.

Guzal Saidalieva

assistant

Tashkent institute of irrigation and
agriculture mechanization engineers
g.saydaliyeva@tiame.uz

DIRECTIONS OF ECONOMIC INCENTIVENESS IN THE EFFICIENT USE OF LAND RESOURCES

ANNOTATION

The article discusses the mechanisms of incentives for the efficient use of agricultural land protection areas of rational use of irrigated fertile land and their economic incentives.

Key words. Earth, agriculture state cadastre, technical equipments, farming, privilege

Бизга маълумки, табиий ресурслар турларига ер, сув, биологик ва минерал бойликлар билан бирга атроф-муҳит ҳавоси ҳам киради. Ҳозирги кунда аҳоли сонининг ошиб бориши ва иқтисодий тармоқларининг жадал суръатлар билан ривожланиб бориши натижасида йилдан-йилга ер ва сув ресурсларига бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини яхшиланиши натижасида экинларнинг ҳосилдорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Республикамизда аҳоли сонини ошиши сабабли, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турган мавжуд ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш уларни асраш, муҳофаза қилиш ва ердан самарали фойдаланишда бир қанча ислохотларни олиб борилаётганлиги ҳаммамизга маълумдир [1].

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги тармоғида ердан фойдаланувчи субъектлар бўлиб, фермер хўжаликлари ҳисобланади. Республикамиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан ер ресурсларидан фойдаланишда бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилган[2];

биринчидан, республикамиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш;

иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ерларидан, айниқса, суғориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатиш, шунингдек, республика ер фонди ҳисобини юритишни тизимлаштириш;

учинчидан, замонавий юқори технологияли техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тадбирлари шулар жумласидандир. Шу ўринда бундай ишларни амалга оширишда меъёрий-ҳуқуқий жиҳатига ҳам қарашимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 79-моддасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг мазмуни ва моҳияти ёритилган. Шунинг учун ер ресурсларидан самарали ва унумли фойдаланишнинг муҳим кўрсаткичлари белгиланган:

- ердан оқилона фойдаланиш ва тупроқни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан экологик хавфсиз бўлган фермерлик тизимларини жорий этиш;
- барча тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар учун тенг бўлган шарт-шароитларни таъминлаш орқали ер муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларига давлат мулкчилигини сақлаб қолган ҳолда, қимматли ва ноёб

экотизимлар ҳудудида ерларни хусусийлаштиришнинг самарали ҳукукий ҳамда нарх механизмларини яратиш;

- ерларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ўрмон фонди бўлган ерларнинг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалиги оборотида бўлган ерларни асраб авайлаш, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий аҳамиятга молик бўлган ерлар таркибидан ерларни асоссиз равишда олиб қўйилиши ҳамда уларни антропоген таъсирида ёмон ҳолатларга тушиб қолишини олдини олиш, ҳукукий, ташкилий ва иқтисодий ҳамда технологик таъсирларини бартараф этиш каби ишлар ҳам ерларни муҳофаза қилишнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.
- ҳудудларнинг радиоэкологик, геохимёвий кўп мақсадли хариталаш, шу жумладан, давлат ер кадастри ва мониторинги фаолиятини янада такомиллаштириш;
- республикада ер фонди тузилмасини оптималлаштириш;
- ер ресурсларининг мелиоратив стратегиясини ўзгартириш-торфли тупроқларни сақлаб қолиш ва уларнинг минераллашувини олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш билан эскирган тизимларни реконструкция қилиш ва модернизациялашни зарурияти ҳам белгилаб берилган [3].
- Юқорида келтирилган муҳим йўналишлар бўйича шу ўринда фермер хўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш асосан суғориладиган қимматбаҳо ерлардан унумли фойдаланиш масалалари ҳам мисол бўлади.

Суғориладиган ерлар деб — қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерларга айтилади. Шу ўринда суғориладиган ерлар самарадорлигини оширишда фойдаланиладиган ерларни мелиоратив яхшилаш, илмий асосланган алмашлаб экишни ўзлаштириш, илғор агротехникани жорий этиш, шунингдек ўғитларнинг асосланган тизимини қўллаш, зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлар билан курашиш воситаларидан кенг фойдаланиш, бундан ташқари сув ресурсларидан ҳам ўринли фойдалана олиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги ва юқори ҳосилли навларини жорий этиш, ялпи механизациялаш тизимига ўтиш, иқтисодий ва бошқа тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳисобидан амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлиги, унумдорлигининг оширилишига йўналтирилган сармоя қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг нархи ўсишининг асосий манбаи ҳисобланади [4].


Бу турдаги ерлардан фойдаланишда эса муаммолар вужудга келмоқда. Бу эса фермер хўжаликларида аҳамиятга молик бўлган ер ресурсларидан фойдаланишни тўғри ташкил этиш ва иқтисодий асосланган ечимларни излаб топиш масалаларини илмий асосланган тарзда ечиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада қишлоқ хўжалигига ер турлари майдони 15475,9 минг гектарни шундан 3694,6 минг гектари эса суғориладиган ерларни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга - қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар ва иморатлар ҳамда иншоотлар эгаллаган ерлар киради [5].

Қишлоқ хўжалигида экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг муҳим омилларидан бири-ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, шунингдек уларни муҳофаза қилиш, халқ эҳтиёжи учун зарур ер майдонлари билан таъминлаш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикада ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган фермер хўжаликлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай фермер хўжаликларини давлат томонидан белгиланган тартибда иқтисодий рағбатлантириш фермер хўжаликларининг ерга бўлган ижобий муносабатини ҳамда қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини етиштиришдан манфаатдорлигини оширади. Шу ўринда, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва рағбатлантириш йўналишларида ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжудлиги кузатилмоқда. Худудлардаги кўплаб ер майдонларининг қишлоқ хўжалиги тизимидан чиқиб кетаётганлиги, ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан фойдаланилаётган ерларнинг деградация даражасининг юқорилиги ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, унга таъсир этувчи омилларни комплекс равишда таҳлил этиш орқали рағбатлантириш тизимлари бўйича амалий ишларни такомиллаштириш зарурияти туғилмоқда [6].

Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ердан самарали фойдаланишда бир қатор имкониятлар, имтиёзлар берилаётганлиги ҳаммамизга маълумдир. Давлатимиз томонидан бундай имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 82-моддасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш ердан фойдаланувчи ва ижарачиларнинг тупроқ унумдорлиги сақланиши ва тикланишидан, ернинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга ва уларнинг манфаатдорлигини оширишга қаратилган чора тадбирлар бўлиб, улар ўз ичига қуйидагиларни олади:



1-расм. Ердан фойдаланувчиларни рағбатлантириш чора-тадбирлари.

Бундай иқтисодий рағбатлантириш механизмларини биз республикада мавжуд бўлган фермер хўжаликлар мисолида кўришимиз мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида ердан ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқларини гаровга қўйиш асосида ипотека кредитларини кенг ривожлантириш, нафақат давлат эҳтиёжи учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, балки муҳим озиқ овқат йўналишидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳам имтиёзли кредитлаш тизимини жорий этиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида асосан, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолият ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда, ер ижараси ҳамда контрактация шартномаларига мувофиқ, пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklarини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, пахта хом ашёсини етиштиришда

юқори ҳосилдорликка, яъни 40 ц/га эришган қишлоқ хўжалиги корхоналари пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фоизига қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экишга рухсат берилиши керак. Ерлардан самарали фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш фермер хўжаликларига манфаатдорликни ошириш ва мақсадли фойдаланиш имконини беради. Республикада мавжуд бўлган фермер хўжаликлари ер ресурсларидан тўғри, оқилона ва самарали фойдаланиш натижасида бу албатта мамлакат иқтисодиётига ўзининг улушини қўшган бўлади.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ер ресурсларидан самарали фойдаланишда тўғри ва оқилона фойдаланиш зарур бўлади. Ҳозирги кунда республикада шўрланган ерларнинг ҳолатини яхшилаш мақсадида, зовурларни қовлаш, уларни тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Унинг оқибатида сизот сувларининг сатҳи пасаймоқда. Ер ресурсларининг ҳолатини ва тупроқларнинг унумдорлик қатламларини бузмасдан фойдаланиш жараёнида қишлоқ хўжалиги ерларининг, умуман олганда барча унумдор ерларнинг сифатини сақлаб қолган бўламиз. Ер ресурсларининг ҳолати ва таркиби бузилган ҳолларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир тадбирларини амалга оширишда кўзланган натижаларга эришишимиз мумкин.

Яна бир аҳамияти шундан иборатки, республикада ер ресурсларидан, айниқса суғориладиган ва лалми ерлардан самарали оқилона фойдаланиш, ерларнинг маҳсулдорлиги ва унумдорлигини ошириш, билан бирга ерларнинг мелиоратив ҳамда экологик ҳолатини янада яхшилаш имконини оширади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль. ПФ-4947-сон.
2. Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрларини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил. 31 май. ПФ-5065-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, Т., “Адолат”, 1998 й.
4. Ер ресурслари қийматини баҳолаш. Б.Ю. Ходиев., З.С. Абдуллаев. Т., “Иқтисод-молия” 2010 й. 86.
5. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди. Т., 2019 й. "Ергеодезикадастр" давлат кўмитаси, 2019 й.
6. Ў. Мухторов. Ердан фойдаланиш самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар. Илмий-амалий Агроиқтисодий журнал /2(5) /2018 886.
7. И.Уразбаев, С.Касимбетова, Г.Ахмеджанова, З.Ниязова. Разработка агротехнических методов и применение биомелиорантных растений в нижнем районах амударьи. Журнал критических обзоров 7 (11), 1327-1331
8. Хамидов М.К., Исабаев К.Т., Уразбаев И.К., Исломов Ю.П., Инамов А.Н. Гидромодуль орошаемых земель южных районов республики каракалпакстан с использованием геоинформационной системы создание региональных карт. Европейский журнал молекулярной и клинической медицины 7 (2), 1649–1657.
9. Urazbaev, I., Kasimbetova, S., Mamataliev, A., Akhmedjanova, G., Ergasheva, D. Hydromodule zoning southern karakalpakstan and optimal cotton irrigation regime. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 2021, 25(3), стр. 5055–5061
10. Urazbaev, I., Kasimbetova, S., Akhmedjanova, G., Munisa, P., Mardiev, S. Fundamentals of effective use of water resources of irrigated lands in South Karakalpakstan. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 2021, 25(3), стр. 5037–5044


АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

УЎТ:633.511:631.67

Шамсиев Акмал Садирдинович
Қишлоқ хўжалиги фанлар доктори
Равшанов Азам Эркинович
Қишлоқ хўжалиги фанлар доктори
Камилов Бахтиер Султанович
Қишлоқ хўжалиги фанлар номзоди
Каримов Шарофиддин Абдукаримович
Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Зиятов Мусулман Панжиевич
Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий тадқиқот институти

ЎЗНИ ЭГИЛУВЧАН ҚУВУР ОРҚАЛИ СУҒОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШДА ФЕРТИГАЦИЯ УСУЛИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

For citation: Akmal Shamsiyev, Azam Ravshanov, Baxtiyer Kamilov, Sharofiddin Karimov, Musulman Ziyatov. Effectiveness of fertigation method in irrigation and feeding of cotton with bending pipe. Journal of Agro processing. 2021, vol. 3, Issue 2, pp.62-68

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2021-2-11>

АННОТАЦИЯ

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ўзани оддий эгат орқали ва қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб мульчалаб, суғоришда азотли минерал ўғитларни турли меъёр ва нисбатларларда сувда эриган ҳолда яъни фертигация усулида қўллашнинг самарадорлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар Типик бўз тупроқлар, қора полиэтилен плёнка, ўзани суғориш, минерал ўғитлар, фертигация, кўчма эгилувчан қувур, тупроқ намлиги, ҳисобий қатлам, кўсак сони, пахта ҳосилдорлиги.

Шамсиев Акмал Садирдинович
Доктор сельскохозяйственных наук
Равшанов Азам Эркинович
Доктор сельскохозяйственных наук
Камилов Бахтиер Султанович
Кандидат сельскохозяйственных наук
Каримов Шарофиддин Абдукаримович
Доктор философии сельскохозяйственных наук (PhD)
Зиятов Мусулман Панжиевич

Доктор философии сельскохозяйственных наук (PhD)
Научно-исследовательский институт селекции
семеноводство и выращивание хлопка агротехнологии

ЭФФЕКТИВНОСТЬ МЕТОДА ФЕРТИГАЦИИ ПРИ ОРОШЕНИИ ГИБКИМ ШЛАНГОМ И ПОДАЧИ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ ДЛЯ ХЛОПЧАТНИКА

АННОТАЦИЯ

В статье приведены данные об эффективности применения минеральных удобрений в растворенном виде методом фертигации при обычном способе полива и через междурядия хлопчатника мульчированных черной полиэтиленовой пленкой в условиях староорошаемых типичных сероземных почв Ташкентской области.

Ключевые слова. Типичные серые почвы, черная полиэтиленовая пленка, орошение хлопчатника, минеральные удобрения, удобрения, переносная гибкая труба, влажность почвы, расчетный слой, количество стручков, урожай хлопка.

Akmal Shamsiyev

Doctor of Agricultural Sciences

Azam Ravshanov

Doctor of Agricultural Sciences

Baxtiyer Kamilov

Candidate of agricultural sciences

Sharofiddin Karimov

Doctor of Philosophy of Agricultural Sciences (PhD)

Musulman Ziyatov

Doctor of Philosophy of Agricultural Sciences (PhD)

Research Institute of Seed Breeding and
Cotton Growing Agricultural Technologies

EFFECTIVENESS OF FERTIGATION METHOD IN IRRIGATION AND FEEDING OF COTTON WITH BENDING PIPE

ANNOTATION

Effectiveness of applying different rates of mineral fertilizers with the method of fertigation in furrow irrigation and in mulching with black polyethylene film of cotton in the condition of old irrigated typical sierozem soils of Tashkent province were presented in article.

Keywords. Typical gray soils, black polyethylene film, cotton irrigation, mineral fertilizers, fertilization, portable flexible pipe, soil moisture, calculated layer, number of pods, cotton yield.

Республикада пахтачилик тармоғида ғўзани парваришда агротехнологиялари тизимида суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантиришда сув ва ресурстежамкор инновацион технологияларни қўллаш орқали юқори ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда суғориладиган майдонларда ғўзани томчилатиб ва қатор орасига полиэтилен плёнка тўшаб суғориш, азотли минерал ўғитларни сувда эриган ҳолда айнан ўсимликнинг ўзига етказиб бериш, суғоришда сувни эгатга сунъий эгилувчан қувурлар орқали тақсимлаш каби такомиллашган агротехник тадбирлар нафақат сувни тежаш балки, ўғитлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва русурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланган. Шулардан келиб чиқиб, зироатчиликда жумладан пахтачиликда мавжуд ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, минерал ўғитларнинг реал самарадорлигини ошириш аграр фаннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Бу борада пахтачилик самарадорлигини ошришга қаратилган, ПСУЕАИТИ олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлирига мос равишда такомиллаштириб амалиётга фойдаланишга тадбиқ этишга қаратилган комплекс тадбирларни қўллаш зарур. Булар қаторига ғўзани суғоришда ўсимликнинг ўзидан сўраш, тупроқларнинг механик таркиби, унумдорлик даражаси, сув билан таъминланганлиги каби ва бошқа зарурий физиологик ҳамда агромелиоратив кўрсаткичларни киритиш мумкин. Сўнги йилларда ғўза парваришида қатор орасини мулчалаб суғориш, озиклантириш ишларини эса сув билан бирга фертигация усулида амалга ошириш технологияни амалда синаш ва жорий этиш катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзани суғориш муддати ва меъёрини ўсимликнинг илдиз тизимини қамрайдиган қатламдаги тупроқ намлигини энг пастки мақбул чегарасига қараб белгилаш устида олимлар томонидан кўп йиллик изланишлар олиб борилган. Ўзга мажмуидаги экинлар учун тупроқнинг суғориш олди намлиги чекланган дала нам сиғимига нисбатан (ЧДНС) 60-80 фоиз орасида бўлишини кўпгина олимлар томонидан ўз тасдиғини топган.

А.Авлиёкуловнинг [1] изланишлари натижаларига кўра, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзани қурғоқчиликка чидамли «Денов» навини парваришда суғоришни тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда, азотли минерал ўғитларни гектарига N_{200} , P_{140} , K_{100} кг меъёрида қўлланилганда энг юқори 36,8 центнер пахта ҳосили олинган.

М.Ҳасановнинг [2] таъкидлашича, тупроқ унумдорлигини ошириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ғўза майдони сув мувозанати элементларини аниқ белгилаш талаб этилади. Масалан, ғўзага ўсув даврида сарфланадиган умумий сув миқдорига нисбатан сув истеъмоли кўрсаткичи қуйидагича: гуллашгача 20-25%, гуллаш-ҳосил тўплашда 60-65%, пишиш даврида эса 15-20%ни ташкил этиши тавсия этилган.

Ф.М.Саттаров [3] томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда ғўзанинг суғориш олди тупроқ намлигини мақбул тартибига мос ҳолда суғориш муддати ва меъёрини тўғри белгилаш ўсув даври давомида 15-20% гача сувни тежалиши ва гектаридан ўртача 3-4 центнергача қўшимча пахта ҳосили олиш мумкинлиги исботланган.

Шунингдек жаҳонда юз бераётган иқлимнинг глобал иссиши жараёнида Тошкент вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўзани суғориш муддати, меъёри ва сув истеъмоли, қатор орасини ғўзани шоналаш даврида қора полиэтилен плёнка билан мулчалаб суғориш орқали сув ва ресурстежовчи, суғориш ва озиклантиришда фертигация усулини қўллаш кўрсаткичини ҳисоблашга янги илмий ёндашув, ҳамда суғориш самарадорлигини оширувчи, тупроқ ва уни таркибидаги озика-моддаларни ювилишини камайтирувчи суғориш технологиясини қўллаш натижасида юқори ва сифатли пахта ҳосили олишга эришишдан иборат.

Илмий тадқиқотлар 2015-2017 йилларда ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба участкасида № 86-контурда 1,1 га майдонда ўтказилди. Тупроғи механик таркиби оғир кумоқ, типик бўз, ер ости сувлари 18-20 м пастда жойлашган бўлиб, эскидан суғорилиб деҳқончилик қилиниб келинади.

Дала тажрибасида ғўзани истикболли, ўрта толали «Наврўз» нави экилди. Уни суғоришлар тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда олиб борилди. Тажриба 9 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир делянканинг ҳисобий майдони 240 м², уч қайтариқда, бир ярусда жойлаштирилди. Бунда ғўза устида изланишлар қуйидаги суғориш фонларида олиб борилди: анъанавий эгатлаб суғориш; қатор орасини қора полиэтилен пленка билан мулчалаб суғориш; азотли минерал ўғитларини сувда эриган ҳолда фертигация йўли билан суғориш ҳамда суғоришни кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида амалга ошириш. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ғўзанинг ривожланиш фазасига боғлиқ ҳолда суғоришда сув сарфи ҳисоб-китоблари тупроқнинг 70-100-70см ҳамда доимий равишда 50-50-50см қатламлари бўйича олиб борилди.

Тадқиқотларда барча кузатувлар, ўлчовлар, ҳисоб-китоблар ва таҳлиллар ПСУЕАИТИ (Собиқ ЎзПИТИ) қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях

орошения» услубий қўлланмаси асосида олиб борилди. Даладаги агротехник тадбирлар хўжаликда қабул қилган тартибда амалга оширилди.

Тажриба тизими

№	Тажриба вариантлари	Азотли ўғитлар кг/га	Тупроқ намланиш катлами, см
1	Азотли ўғитларни анъанавий усулда қўллаш (эгат орқали суғориш)	200	70-100-70
2	Азотли ўғитларни сувда эритган ҳолда фертигация усулида қўллаш (эгат орасини эгилувчан қувулар орқали суғориш)		
3	Азотли ўғитларни плёнка билан мулчаланган эгатларга сувда эритган ҳолда фертигация усулида қўллаш (плёнка тушалган эгатлардан эгилувчан қувурлар орқали суғориш)		50-50-50
4	Азотли ўғитларни анъанавий усулда қўллаш (эгат орқали суғориш)	140	70-100-70
5	Азотли ўғитларни сувда эритган ҳолда фертигация усулида қўллаш (эгат орасини эгилувчан қувулар орқали суғориш)		
6	Азотли ўғитларни плёнка билан мулчаланган эгатларга сувда эритган ҳолда фертигация усулида қўллаш (плёнка тушалган эгатлардан эгилувчан қувурлар орқали суғориш)		50-50-50
7	Азотли ўғитларни анъанавий усулда қўллаш (эгат орқали суғориш)	100	70-100-70
8	Азотли ўғитларни сувда эритган ҳолда фертигация усулида қўллаш (эгат орасини эгилувчан қувулар орқали суғориш)		
9	Азотли ўғитларни плёнка билан мулчаланган эгатларга сувда эритган ҳолда фертигация усулида қўллаш (плёнка тушалган эгатлардан эгилувчан қувурлар орқали суғориш)		50-50-50

Ўзани суғоришда ва озиклантиришда суний эгилувчан қувурлардан фойдаланиб, қувурга сув туширигичлар ёки сифонлар ёрдамида ўтказилди. Суғоришда ўза қатор орасига сувни тақсимлашда ТП-120, КОП-200 кўчма эгилувчан сув бериш қувурларидан фойдаланилди.

Эгатларга сув беришда суғориш тармоқларининг кундаланг схема бўйича жойлаштириш усули қўлланилиб. Кундаланг сув бериш тузилмасида эгатнинг нишаблиги суғориш майдонининг нишаблигига тенг бўлиб, эгатлар суғориш тармоғидаги муваққат ариқга ва ер горизонталларига нисбатан тик жойлашди. Эгилувчан суғориш қувурининг гидравлик ҳисоби натижасида аниқланган қувурнинг ўлчамлари бўйича кўчма сув бериш қувурларининг техник кўрсаткичларига асосланиб КОП -200 эгилувчан полиэтилен суғориш қувурлари қабул қилиниб, бу қувурнинг асосий техник кўрсаткичлари қуйидагича: 1. Қувур маркаси-КОП -200; 2. Диаметри – 200 мм; 3. Сув сарфи - 20÷40 л/с; 4. Керакли босим - 1÷1,5 м; 5. Узунлиги -200 м; 6. Тешиклар орасидаги масофа – 0,60; 7. Қувурлар сони -2 дона; 8. Битта қувурнинг узунлиги -100 м; 9. Хизмат муддати -3-5 йилгача; 10. Хизмат қиладиган ишчилар сони – 1 киши; 11. Материали –полиэтилен. Эгилувчан суғориш қувурларида сув унинг узунлиги бўйлаб бир текис тарқалиши учун улар далада маълум бир нишабликда ётқизилди.

Эгилувчан кувурнинг кўндаланг кесим ўлчами ва сув тақсимлаш жадаллигига қараб, кувур ётқизиладиган нишаблик мос келтирилди.

Ўзанинг ўсиши, ривожланиши ва мўл ҳосил тўплаши учун суғориш муддатлари ва меъёрларини тўғри белгиланишига боғлиқ. Бугунги кунда сув тақчиллиги тобора кескинлашиб бораётган бир вақтда мамлакатда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда суғоришни тежаб-тергаб ўтказиш муҳим ҳисобланади. Ўзани парваришlashда суғоришни кечиктириб ва сифатсиз ўтказилиши нафақат ҳосилдорликни камайтиради балки, ҳосил сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тупроқда тўпланган намлик меъёрида бўлсагина, ўсимлик баравж ўсиб ривожланади. Бунга, суғориш техникаси ва технологияларини такомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Ўтказилган дала тажрибасида ўзани суғориш муддати ва меъёри тупроқ намлиги бўйича белгиланди. Ҳар суғоришдан олдин тупроқнинг ҳар 0-10 см қатламидан 100 см чуқурликгача намуналар олиниб, термостат-тарози усули ёрдамида намлик миқдори аниқланди. Суғоришда ҳар эгатга кетган сув сарфи 90⁰ бурчакли Томсон сув ўлчагичи ёрдамида ўлчаб борилди. Амал даврида ўзани барча суғориш усулларида тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибда ўтказилди.

Олинган натижаларга кўра, Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларида оддий эгат орқали суғорилган 1, 2, 4, 5, 7 ва 8 вариантларда амал даври давомида ўза гектарига 602-980 м³ меъёрда 6 марта суғорилди, мавсумий сув сарфи гектарига ўртача 4549 м³ ни ташкил этди. Қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб суғорилган 3, 6 ва 9 вариантларда ўза ўсув даврида гектарига 500-590 м³ меъёрда 6 марта суғорилиб жами гектарига 3317 м³ сув сарфлагани кузатилди.

Суғоришларга сарфланган сув миқдори 1, 2, 4, 5, 7 ва 8 вариантларда ўзанинг ривожланиш фазаларига мос ҳолда тупроқнинг 70-100-70 см қатламлари бўйича, 3, 6 ва 9 вариантларда эса доимий равишда 50-50-50 см қатлам бўйича аниқлаб борилди. Қатор ораси қора полиэтилен плёнка билан мульчаланган вариантларда суғоришлар кам меъёрда амалга оширилди. Оддий эгат орқали суғорилган вариантларга нисбатан қора полиэтилен плёнка билан қатор ораси мульчалаб суғорилган вариантларда мавсум двомида гектарига ўртача 1232 м³ ёки 27,1% суғориш суви тежалганлиги маълум бўлди. Тадқиқотларимизда тупроқнинг намлик захирасидан фойдаланиш тупроқнинг ҳисобий намлаш қатлами 50-50-50 сантиметрга тенг бўлган 3, 6 ва 9-вариантларда ўза қатор орасига қора полиэтилен плёнка тушаб, азотли ўғитларни эгилувчан кувурларда фертигация усулида берилган вариантларда энг кўп бўлиши кузатилган. 1 м³ суғориш сувини пахта ҳосили билан қоплаш минерал ўғитларни анъанавий усулда 100% меъёрда қўлланилган 1-вариантда ўртача гектарига 0,88 килограмм, минерал ўғитларни суғориш билан бирга сувда эриган ҳолда 100% меъёрда қўлланилган 2-вариантда ушбу кўрсаткич ўртача 0,86 килограммга тенг бўлганлиги қайд этилган. Минерал ўғитларни плёнка тўшалган эгатларда суғориш билан бирга сувда эриган ҳолда 100% меъёрда қўлланилган 3-вариантда 1,28 килограмм бўлганлиги аниқланган.

Бу кўрсаткич азотли минерал ўғитларни анъанавий усулда 75 ва 50% йиллик меъёрларда қўлланилган 4 ва 7-вариантларда ўртача 0,73 ва 0,79 килограммни ташкил этди. Азотли минерал ўғитларни суғориш билан бирга сувда эриган ҳолда лекин камайтирилган миқдорда ёки йиллик меъёрларининг 75 ва 50% қўлланилган 5 ва 8-вариантларда ўртача 0,79 ва 0,73 килограммга тенг бўлганлиги аниқланган. Минерал ўғитларни плёнка тўшалган эгатларда суғориш билан бирга сувда эриган ҳолда 75 ва 50% йиллик меъёрларда қўлланилган 6 ва 9-вариантларда 1,16-1,01 килограммни ташкил этганлиги қайд этилган.

Олинган натижаларда тажриба даласининг сув мувозанати бўйича энг юқори кўрсаткичлар, ўза қатор орасига қора полиэтилен плёнка билан мульчалаб суғорилган вариантларда намоён бўлганлиги, ушбу вариантларда тупроқ юзаси плёнка билан қопланиши ҳисобига намликни беҳуда парланишини олди олиниб, суғориш самарадорлиги ошган ва сувдан фойдаланиш коэффиценти ортганлиги кузатилган.

Тажрибанинг 3 ва 6-вариантларда 1 центнер пахта ҳосили учун сарфланган умумий сув миқдори 72,6 ва 77,2 кг/м³ ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан умумий сув миқдори

32 фоизга кам сарфланган. Ғўза қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб суғорилган вариантларда ҳам бошқа вариантларга нисбатан сарфланган умумий сув миқдори 10–19 м³ га камроқ бўлганлиги аниқланган. Умуман олганда, ғўза қатор ораларини қора полиэтилен плёнка тушаб суғорилганда суғоришнинг самарадорлиги ошиши кузатилган. Тадқиқот натижалари пахта ҳосили бўйича олинган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, тажрибада азотли ўғитлар билан анъанавий усулда гектарига 200 кг меъёрда озиклантирилган ва оддий эгат орқали суғорилган 1-вариантда ўртача гектарига 35,9 центнер, азотли ўғитлар 150 кг меъёрда озиклантирилган 2-вариантда 32,0 центнер ва 100 кг меъёрда озиклантирилган 3-вариантда эса 28,2 центнерни ташкил этди.

Оддий эгат орқали суғорилган ва азотли ўғитлар билан гектарига 200; 150; 100 кг меъёрларда сувда эриган ҳолда фертигация усули билан озиклантирилган 4; 5; 6- вариантларда ўртача гектаридан 34,9; 32,0 ва 27,0 центнер пахта ҳосили олишга эришилди. Қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб суғорилган ва азотли ўғитлар билан гектарига 200; 150; 100 кг меъёрларда сувда эритган ҳолда фертигация усулида озиклантирилган 7; 8; 9-вариантларда пахта ҳосили ўртача гектарига 38,2; 34,7 ва 30,2 центнерга тенг бўлиши кузатилди. Тадқиқотларда энг юқори пахта ҳосили қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб суғорилган ва азотли ўғитлар билан фертигация усулида озиклантирилган вариантларда олинди. Бунда назоратга нисбатан гектаридан ўртача 2,0-3,1 центнер кўшимча пахта ҳосили олишга эришилди. Азотли ўғитлар меъёрига нисбатан. Таҳлил қилинганда энг юқори ҳосил гектарига 200 ва 150 кг меъёрларда олиниб, 100 кг меъёрга нисбатан ўртача гектаридан 7,3-8,1 ва 3,4-4,5 центнер юқори ҳосил олинди.

Олиб борилган тажриба натижалар якунида олинган иқтисодий кўрсаткичлари орқали баҳоланади. Иқтисодий самарадорлик барча агротехник тадбирларга қилинган харажатлар ва олинган ҳосилни сотиш билан аниқланади. Тажриба вариантларида экинларни суғориш усулларида ташқари, ҳамма агротехник тадбирлар бир хил бўлганлиги учун иқтисодий кўрсаткичлар фақат кўшимча ҳосил орқали аниқланди.

Тошкент вилоятининг эскидан суғориладиган, типик бўз тупроқлари шароитида ўтказилган тадқиқотлар натижасида, ғўзани оддий эгатдан суғориб парваришlashда ўртача ҳосилдорлик гектаридан 35,9 центнерни, сотишдан тушган умумий даромад 6160440 сўмни, умумий харажатлар 4500000 сўмни, олинган соф даромад 1660440 сўмни, рентабеллик 36,9 фоизни ташкил этди. Ғўзани қатор орасига қораполиэтилен плёнка тушаб фертигация усулида озиклантирилганда ўртача ҳосилдорлик 38,2 центнерни, сотишдан тушган умумий даромад 6815600 сўмни, умумий харажатлар 4679050 сўмни, олинган соф даромад 2136550 сўмни, рентабеллик эса 45,7 фоизни ташкил этиб, назоратга нисбатан рентабеллик 8,8 % га юқори бўлганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, ғўза парваришида қатор орасига қора полиэтилен плёнка билан мульчалаб суғориш билан азотли ўғитларни сувда эриган ҳола фертигация усулида озиклантириш, нафақат азотли ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятини яратади, балки ғўзани суғориш сифати яхшиланиб, тупроқнинг эгат бўйлаб бир текисда намланишига ва сув тежамкорлигига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авлиёкулов А.Э. Ғўза навларини суғориш муддатлари, меъёрлари ва мавсумий сув сарфининг пахта ҳосилига таъсири “Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий-амалий асослар” Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. Тошкент-2007 йил. 328-329 бет.
2. Ҳасанов М. “Ғўзани эгатлаб суғоришда сувдан самарали фойдаланиш омиллари”. Агроилм. //Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. Тошкент-2014-№.6-11-12.
3. Саттаров Ф.М. “Суғориш тартиби ва техникаси” Пахтакор учун маълумотнома. Тошкент, 1993, 114-115 бетлар.

4. Сув такчиллиги шароитида сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш бўйича (С.Ф.Аверьянов, Н.Д.Кременецкий, Б.А.Шумаков, Stenley Kindson, М.А.Шаров, Г.К.Льгов, Н.Н.Иванов, Н.В.Данильченко, М.С.Григоров, В.П.Попова, А.С.Овчинников) каби олимлар томонидан яратилган илмий ишланмалар ҳамда тадқиқотлар эътиборга лойик.
5. Серикбаев Б.С, Шеров А.Ф ва бошқалар. «Эксплуатация гидромелиоративных систем» дарслик, 2019.
6. И.Уразбаев, С.Касимбетова, Г.Ахмеджанова, З.Ниязова. Разработка агротехнических методов и применение биомелиорантных растений в нижнем районах амударьи. Журнал критических обзоров 7 (11), 1327-1331
7. Хамидов М.К., Исабаев К.Т., Уразбаев И.К., Исломов Ю.П., Инамов А.Н. Гидромодуль орошаемых земель южных районов республики каракалпакстан с использованием геоинформационной системы создание региональных карт. Европейский журнал молекулярной и клинической медицины 7 (2), 1649–1657.
8. Уразбаев И., Касымбетова С., Маматалиев А., Ахмеджанова Г. Гидромодульное районирование Южного Каракалпакстана и оптимальный режим орошения хлопка. Анналы Румынского общества клеточной биологии, 5055-5061
9. Уразбаев И., Касымбетова С., Ахмеджанова Г., Муниса П., Мардиев С. Основы эффективного использования водных ресурсов орошаемых земель Южного Каракалпакстана. Анналы Румынского общества клеточной биологии, 5037-5044
10. Уразбаев И. Сквжина амудареской соли разработка водосберегающих методов при промывке солей. Агропроцессинг 5 (2)



ISSN 2181-9904

Doi Journal 10.26739/2181-9904

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

3 СОН, 2 ЖИЛД

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ

НОМЕР 3, ВЫПУСК 2

JOURNAL OF AGRO PROCESSING

VOLUME 3, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000